

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОБИЛОВ УСМОН УРАЛОВИЧ**

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА НУБУВВАТ МОТИВИ ВА  
ОБРАЗЛАРИ ТАЛҚИНИ  
(XIV - XV асрлар)**

**10. 00. 02 - Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата докторской диссертации**

**Content of the abstract of doctoral dissertation**

**Қобилов Усмон Уралович**

Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини

(XIV-XV асрлар)..... 3

**Қобилов Усмон Уралович**

Трактовка пророческих мотивов и образов в узбекской литературе

(XIV-XV вв.) ..... 33

**Kobilov Usmon Uralovich**

Interpretation of images and motive of Nubuvvat in Uzbek literature

(XIV-XV centuries)..... 67

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 72

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ҚОБИЛОВ УСМОН УРАЛОВИЧ**

**ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА НУБУВВАТ МОТИВИ ВА  
ОБРАЗЛАРИ ТАЛҚИНИ  
(XIV - XV асрлар)**

**10. 00. 02 - Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2019**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/Fil146 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) ҳамда “Ziynet” ахборот-таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Ҳасанов Шавкат Аҳадович**  
Филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Ҳаққулов Иброҳим Чориевич**  
Филология фанлари доктори, профессор

**Жабборов Нурбой Абдулҳакимович**  
Филология фанлари доктори, профессор

**Эркинов Афтондил Садирхонович**  
Филология фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат Шарқшунослик  
институтини**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: [rector@samdu.uz](mailto:rector@samdu.uz) Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунини тарқатилди.  
(2019 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М.Қ.Муҳиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д.профессор

**А.Б.Пардаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби ф.ф.д.

**А.Э.Маматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш ҳузуридаги илмий  
семинар раиси, ф.ф.д.

## КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон илм-фани, тафаккур ва дунёқарашида содир бўлаётган глобаллашув адабиётшуносликда ҳам бадиий адабиёт оламини умумбашарий мезонлар асосида баҳолашни талаб этмокда. Айниқса, ўз тарихий тараққиёти давомида ҳар доим умуминсоний ва абадий мавзулар талқинига эътибор қаратган мумтоз адабиёт поэтик оламини янгича нуқтаи назарлар билан тадқиқ этиш бугунги кунда катта илмий-амалий аҳамият касб этади. Ҳозирга қадар жаҳон адабиётшунослигида мумтоз адабиёт поэтик оламини илмий тадқиқ этиш борасида бой тажрибалар тўпланди. Жумладан, Шарқ адабиётида нубувват мотиви поэтикаси билан боғлиқ ҳам қатор тадқиқотлар яратилди. Жаҳон адабиётшунослигида нубувват тушунчаси профетология номи билан юритилади. У мумтоз адабиётнинг оламшумул мавзуларидан бўлиб, халқлар, адабиётлар ва маданиятлараро алоқаларни чуқур англаш ва холис баҳолашда ҳам муҳим ўрин тутди.

Жаҳон адабиётшунослигида нубувват мотиви ва унинг бадиий-фалсафий талқинлари, мавзу моҳияти ифодаланган ранг-баранг жанрий шакллар поэтикаси, нубувват аҳли тимсол-образлари тавсифи, улар бажарган поэтик функция ва бадиий манзаралар, бу образларнинг бадиий-эстетик фикр тараққиётидаги ўрни хусусида амалга оширилган тадқиқотлар диққатга сазавордир. Қайд этиш керакки, дунё илм-фани жаҳонларида нубувват концепти масаласи дастлаб тарихий-фалсафий жиҳатлардан илмий тадқиқ этилди. Кейинчалик адабиётшунослик эътиборини жалб этиб, маърифий ва бадиий-эстетик талқинларни юзага келтирди. Шу маънода нубувват мотиви масаласини мумтоз лирик, эпик, лиро-эпик асарлар намуналари мисолида жаҳон адабиётшунослиги эришган ютуқлар асосида тадқиқ этиш зарурати мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Мустақиллик туфайли ўзбек мумтоз адабиётини ғоявий-бадиий жиҳатлардан руҳлантирган ва илҳом бахш этган манбалар асосида талқин этиш имкони яратилди. Бу имкон нубувват мотиви ва образлари талқини муаммосини атрофлича ўрганмасдан туриб тасаввуф ва мумтоз адабиётни теран англаш мушкул эканлигини кўрсатди. Бинобарин, “Биз бутун жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади”<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан, ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини мавзуси ислом маърифатининг умумбашарий кечинма, эзгулик ва комиллик туйғулари бадиий ифодаси сифатида намоён бўлади. Таъкидлаш лозимки, энциклопедик ва соҳавий луғатларда нубувват

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72 – сессиясида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи. 2017 йил, 20 сентябрь.

тушунчаси “пайғамбарлик”, “элчилик” маъносида қисқача изоҳланади<sup>2</sup>. Профетология атамаси ҳақида луғатларда оддий изоҳ ҳам учрамайди. Шу маънода бу тушунчаларнинг ўзи тўлиқроқ изоҳланмаган экан, улар асосида истифода этиладиган бадиий талқин масаласи мавзуни махсус тадқиқ этишни заруратга айлантиради. Шунингдек, ўзбек адабиётида нубувват мотиви ифодаси билан боғлиқ образ, тимсол, тушунча ва деталларни тадқиқ этиш, улар орқали ифодаланган поэтик ифода ва бадиий манзаралар таҳлилини амалга ошириш адабий-эстетика тараққиётига муҳим ҳисса бўлиб қўшилади. Мумтоз адабиётда нубувват мотиви ифода этилган ўзига хос жанрий шакллар мавжудлиги мавзу тадқиқи нафақат бадиият, балки назарий жиҳатдан ҳам муҳимлигини исбот этади. Шу билан бирга нубувват мотиви талқини ўтмиш ва бугун, миллий ва умумбашарий кадриятларни уйғунлаштиришга хизмат қилади. Жаҳон хазинасига айланган мумтоз адабиётимизни ҳозирги ҳаётбахш мафкура руҳида тадқиқ этиш, унинг мамлакатимизда олиб борилаётган тадқиқотлар устувор йўналишларига мослигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909 – сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги 571-сон “Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, 2017 йил 12 январдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комиссия тузиш тўғрисида”ги Фармойиши, 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси каби қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни бажарилишида амалий ёрдам беради.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.**

Жаҳон адабиётшунослигида нубувват мотиви ва образлари талқини масаласи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар кенг қамровлидир. Мазкур мавзу нафақат адабиётшунослик, балки бошқа гуманитар фанлар тадқиқ объекти ҳам ҳисобланади. Шу туфайли жаҳоннинг нуфузли илмий марказларида

<sup>2</sup> Фарҳанги истилоҳот ва ибороти ирфоний. Доктор Саййид Жаъфар Сажжодий. Тахурий нашриёти, Техрон-2004 й. 829-с. Ғиёс ул-луғот (икки жилдлик). Муҳаммад Ғиёсиддин. “Қонуни маърифат” нашриёти. Техрон -1948. Иккинчи жилд. 468-с, Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. 2 том. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1983 йил, 487 – бет, Ислом. Энциклопедия. А-Х. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2017.

нубувват (профетология) мавзуси илмий тадқиқотлар учун манба бўлиб келмоқда. Жумладан, Жоржтаун (Georgetown University, Washington DC, USA), Кентукки (University of Kentucky, USA), Лейден университетларида (University of Leiden, UK) фундаментал тадқиқотлар яратилган. Араб, форс ва турк адабиётшунослигида ҳам бу борада таҳсинга лойиқ ишлар амалга оширилган. Шарқ-ислом адабиётида нубувват мотиви ифодаси учун манба ва талқинлар бир илдиздан озиқ олади. Жумладан, Саудия Арабистони (ar-Riyad University, KSA), Миср (Kairo University, Egypt), Ливан (Beirut University, Lebanon) университетлари ва илоҳиёт марказларида нубувват мавзуси хусусида илмий кузатишлар олиб борилмоқда. Туркия (Marmara Üniversitesi, Uludağ Üniversitesi) ва Эронда (Tehran University) олиб борилган тадқиқотлар ҳам алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, МДХ халқлари ва рус адабиётшунослигида ҳам бу борада эътиборга молик илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Шарқ, хусусан, Марказий Осиё адабиётшунослигида нубувват мотиви ва образлари талқини мавзусига доир қатор диссертациялар яратилган<sup>3</sup>. Кўринадики, дунё адабиётшунослигида нубувват мотиви ва бадий талқин масаласи кенг тадқиқ этилмоқда<sup>4</sup>. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, жаҳон адабиётшунослигида нубувват масаласи А.Л.Арзуманян, А.Р.Гимаева, С.Ю.Абдуллоева, П.Сергеев, З.Дж.Шоев, Ю.Н.Аржанов, Дж.С.Беронов, Д.Назриев, Ф.А. Насриддинов, Ҳ.С.Кароматов, Ф.Б.Бобоев,

---

<sup>3</sup>Назриев Д. Библиейско-кораническая история царя Соломона и ее преломление в персидско-таджикской литературе. Авт. док. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 1996. – 48 с., Шоев Зиевиддин Джалилович. Учение монотеистических религий о пророчестве и его развитие в исламе. Канд. дисс. по филос. наук. – Душанбе: 2011. – 150 с., Азорабеков Сардорбек Кишкорович. Сказание о Юсуфе и его отражение в персидско-таджикской прозе X-XI веков. Авт. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2005. – 26 с., Рахимов Исламджон Усможджонович. Сказания о Мусе в персидско-таджикских тафсирах X-XII веков. Авт. кан. дисс. по филол. наук. – Худжанд: 2012. – 21 с., Насриддинов, Фахриддин Абдуманонович. Персидско-таджикские переводы Корана и комментарии к нему в X-XII вв. и их литературное значение. Авт. док. дисс. по фил. наук. – Душанбе: 2012. – 61 с., Бобоев Файзулло Баратович. Литературные жанры “Нубувват” (пророчество) и “Фатх” (откровение) в “Истории Ат-Табари. Авт. канд. дисс. филол. наук. – Душанбе: 2007. – 21 с., Марзие Шуштари Мохаммад Эсмаил. Сказание о Нухе (Нойе) в литературе и фольклоре Ирана. Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2012. – 28 с., Раиси Фароба. Элементы фольклора в поэзии Хафиза. Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2012. – 24 с., Хусейн-Заде, Матин Шарифович. Проблема жанра и историзма в средневековой арабской биографии (сире). Авт. док. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2000. – 39 с., Арзуманян, Анушаван Левонович. Учение о конце света и воскресении в мусульманской литературе. Авт. дисс. по филол. наук. – Москва: 2002. – 29 с., Гимаева, Аделя Равилевна. Профетология Корана: истории пророков как элемент построения коранического текста. Канд. дисс. по фил. наук. – Москва: 2008. – 152 с.,

<sup>4</sup>Мухаметов Ильдар Ринатович. Книга Мухаммеда Челеби “Мухаммадия” в контексте татарско-турецких литературных взаимосвязей. Авт. канд. дисс. по фил. наук. – Казань: 2006. – 22 с., Ахунов, Азат Марсович. Труды Табари как древнейший источник средневековой татарской литературы, XIII-XIV вв. трактовка персонажей. Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Казань: 2000. – 26 с., Сергеев Посад. Сопоставление учения о едином боге в Коране и священном писании. Авт. канд. дисс. по науке богословия. – Москва: 2000. – 35 с., Аржанов, Юрий Николаевич. Представления о знании в пятикнижии и книгах пророков. Авт. канд. дисс. по филос. наук. – Санкт-Петербург: 2005. – 27 с., Салими Хатлони. Проблемы поэтических образов творчества Джалолуддина Руми. Авт. док. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2009. – 43 с., Нугманова Нурия Миндхатовна. Художественное отражение философии ат-Таухид в «Киссаи Юсуф» Кул Гали. Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Казань: 2003, – 24 с. Беронов Джума Саидюевич. Коранические мотивы в поэзии Носира Хусрава. Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2016. – 24 с., Мохаммад Хеммат Кухсар. Трансформация образа Зулайхи и его отражение в персидско-таджикской литературе X-XV вв. Канд. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2015. – 190 с., Элбоев Вафо Джуракулович. Сказание о Юсуфе и Зулайхе в персидско-таджикской литературе X-XV веков (проблемы трансформации религиозных мотивов и образов в художественную литературу). Авт. док. дисс. по фил. наук. – Душанбе: 2016. – 46 с., Суфиев Ш. З. Генезис эволюция темы «вина» и трансформативные процессы в персидско-таджикской литературе. Докт. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2017. – 391 с., Абдуллоева С. Ю. Онамастикон суфийской поэзии: структурный, семантический и функциональный аспекты (на материале произведений Абдульмаджа Санаи, Фариддадина Атгара Балхи). Док. дисс. по филол. наук. – Хорог: 2016. – 401 с.,

М.Ш.Хусейн-Заде, Раҳматуллоҳ қори Обидов каби олимлар томонидан диний-тарихий ва илоҳий-фалсафий жиҳатлардан, С.К.Азорабеков, И.У.Рахимов, М.Э.Марзие Шуштари, Ф.Раиси, М.Х.Кухсар, В.Дж.Элбоев, Х.Салими ва бошқалар томонидан эса бадиий-эстетик нуқтаи назардан илмий тадқиқотлар яратилганлиги кўринади. Бу ишларда нубувват маърифати ва образлари талқини кўпроқ XI-XII асрлар форс-тожик адабиёти ва матнлари асосида таҳлил этилади. Шунга кўра, ўзбек адабиётшунослигида бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Бугунги кунда халқаро миқёсда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар миллий адабиёт ва маданиятларни ўзаро туташ нуқталари асосида тадқиқ этиш тамойилларига эҳтиёжи ортиб бормоқда. Мазкур мавзу айнан бадиий адабиёт оламининг умуминсонийлик жиҳатлари талқинига бағишланганлиги билан дунё халқлари адабий-эстетик қарашларида муштаракликлар қадимий эканлигидан далолат беради. Шу маънода нубувват мотиви ва образлари талқини масаласи жаҳон ва ўзбек адабиётшунослик илмининг истиқболли мавзуларидан ҳисобланади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек мумтоз адабиётида нубувват бадиий мотив ва образ сифатида тавсифланишига Шарқ адабиётида бўлгани сингари илоҳий манбалар, чунончи, Қуръони Карим асос бўлиб хизмат қилган. Мумтоз асарларда пайғамбар сиймолар образлари тавсифи нубувват мотиви умумий руҳидан келиб чиқиб талқин этилади. Шарқона талқинларга кўра, нубувват ўзаро маънавий-руҳоний боғланган мақом ҳисобланади. Унинг моҳиятида Муҳаммад (с.а.в) сиймоси, ҳақиқат ва мажоз талқини туради. Шарқ, жумладан, ўзбек адабиётида нубувват халқаси бадиий ифодалари бўлган “Қисса-ул анбиё”лар ҳам туркумлик характерига эгадир. Бу туркум қиссалари алоҳида асар даражасида бўлса-да, яқка ҳолда “қисса-ул анбиё” деб юритилмайди, балки шу халқани ўзаро боғлаб турадиган мантиқ туфайли ўзига хос мотив тарзида англонади. Ушбу тадқиқотда мана шу мотив бадиий ифодаси очиб берилади. Ўзбек адабиётшунослигида мавзу тадқиқига, биринчидан, бевосита мавзуга дахлдор тадқиқотлар, иккинчидан, муайян тадқиқотлар таркибида мавзунинг айрим томонлари таҳлил этган ишларни киритиш мумкин<sup>5</sup>. Муаммо таҳлили Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, Н.Комилов, И.Ҳаққулов, Ҳ.Кароматов, М.Муҳиддинов, Р.Воҳидов, Б.Акрамов, Ш.Сирожиддинов, Д.Салоҳий, С.Рафиддинов, О.Давлатов ва

---

<sup>5</sup>Рафиддинов С. Навоий ижодида нубувват талқини/Ўзбек тили ва адабиёти. 2019 йил, № 1 – Б. 44-47, Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: Бухоро, 1994. – 208 б., Кароматов Ҳ. Қуръон ва ўзбек адабиёти. – Тошкент: Фан, 1993. – 96 б., Муҳиддинов М.Қ. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: Маънавият, 2005. – 208 б., Меърожнома. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳ муаллифи И. Ҳаққул, С. Рафиддин. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 96 б., Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. – Тошкент: Фан, 2007. – 224 б., Давлатов О. Алишер Навоий шеъриятида Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадиий талқини. Фил. фан. док (PhD). дисс. – Самарқанд: 2017. – 143 б., Сафарова Ҳ. А. Рабғузийнинг “Қиссаси Юсуф Сиддиқ алайҳиссалом” асари манбалари ва ғоявий-бадиий таҳлили. Фил. фан. ном. дисс. – Самарқанд: 2001. – 153 б., Кароматов Ҳ. Ўзбек адабиётида Қуръон мавзулари (адабий-тарихий таҳлил). Фил. фан. док. дисс. – Тошкент: 1993. – 281 б. Ҳасанова Ш. С. “Тўтинома” ва “Қуш тили” туркумидаги асарларнинг қиёсий-типология ва текстология тадқиқи. Фил. фан. док. дисс. авт. – Тошкент: 2016. – 65 б., Нурмонов Ф. Хизр образининг генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини. Фил. фан. ном. дисс. авт. – Тошкент: 2007. – 25 б., Шомусаров Шорустам Гиёсович. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. Филол. фан. док. дисс. авт. – Тошкент: 2007. – 53 б. Абдушукуров Бахтиёр Бўронович “Қисаси Рабғузий” лексикаси. Фил. фан. док. дисс. авт. – Тошкент: 2017. – 91 б.



бошқалар тадқиқотларида кузатилади. Уларда мумтоз адабиёт, чунончи, шеърият рамзий-мажозий ифодалар олами нубувват силсиласи билан боғлаб талқин этилади. Нубувват маърифати ниҳоятда жозибадор соҳа бўлиб, бадиий фикр ривожда катта ўрин тутадиган ранг-баранг мавзу ва сюжетларга, воқелик ва образларга, тафсилот ва бадиий ифодаларга бой саналади. Унда нубувват мотиви ва образлари билан боғлиқлик маъно-моҳият, тимсол-образ ва тамсил тарзида ифодаланади. Ўзбек адабиётида нубувват образлари тизими қисман ўрганилган бўлса-да, алоҳида мотив сифатида илмий тадқиқ этилмаган. Бу тадқиқот ўзбек адабиётшунослигида муҳим аҳамият касб этишини белгилайди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Самарқанд давлат университетининг “Адабий тур, жанрлар ранг-баранглиги ва поэтикаси” ҳамда “Алишер Навоий илмий-адабий мероси ва адабий таъсир масаласи” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек мумтоз адабиётида нубувват мотиви ва образлари орқали ифодаланган маърифий ғоя ва мазмун, жанрий ва шаклий ранг-баранглик, бадиий-ирфоний талқин ва рамзий-мажозий ифода, адабий-эстетик фикр ва лирик-эпик тавсифлар олами моҳиятини илмий асослаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқинига асос бўлган манбалар ва уларнинг мумтоз адабиётга таъсири масалаларига ойдинлик киритиш;

нубувват тушунчаси маъноларини очиб бериш, унинг хос бир мақом сифатида шаклланишига баҳо бериш, нубувват ва бадиий ижод масалаларини ёритиб бериш;

ўзбек адабиётида тавҳид, нубувват, набъавий мўъжизалар, малаклар олами талқини, шеър ва шоирлик ҳақидаги қарашларни ўрганиш;

ўзбек адабиётида нубувват ва нубувват халқаси ифода этилган ранг-баранг жанрий шаклларни тадқиқ этиш, тарихий-бадиий қиссалар ва улар шаклланишига асос бўлган ҳолатларга баҳо бериш;

тасаввуф адабиётида нубувват мотиви орқали ифодаланган маърифий масалаларни аниқлаш, нубувват мақомига берилган изоҳ-шарҳлар ва улар бадиий ифодасидаги ўзига хосликларга аниқликлар киритиш;

мумтоз шеъриятда пайғамбарлар образи орқали ифодаланган поэтик манзаралар, рамзий-мажозий ифодалар оламини ёритиб бериш, бу тимсоллар билан боғлиқ хилма-хил бадиий детал ва образлар оламига баҳо бериш;

ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари ифодалаган миллий ва умуминсоний қадриятлар, туйғу ва кечинмалар жозибадорлигини бадиий матнлар асосида таҳлил этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида “Қисса-ул анбиё”лар туркуми, “Қасас ар-Рабғузий”, Атойи ва Саккокий шеърияти, Алишер Навоий “Хамса”си ва лирик девонлари, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, меърожномалар, ҳамдлар,

наътлар, васфлар, мадхлар, ҳамду наът ғазаллар, ривоятлар, ҳикоятлар ва бошқа мавзуга дахлдор асарлар танланган. Шунингдек, мавзуга доир Шарқ мутафаккирлари қарашлари, тасаввуф арбоблари фикрлари ва шу каби мумтоз адабиётнинг бошқа намуналарига мурожаат этилган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини, шунингдек, бадиий образ талқини билан боғлиқ тимсол ва деталлар ҳамда рамз-мажоз поэтикаси, анъанавий жабҳалар билан бирга янгича материаллар, шакл-жанрлар ва поэтик ифодалар ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий таҳлил, матн таҳлили, герменевтика, семиотик, психоаналитик ва структурал таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Диссертациянинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ўзбек мумтоз адабиёти намоёндалари учун илоҳий манбалар: Қуръони Карим, Ҳадиси Шариф доимий равишда илҳом манбаи бўлиб келганлиги ва нубувват мавзуси адабий асарларнинг етакчи томонларидан бўлгани ҳолда айнан унинг таъсирида мумтоз адабиётда бадиий қиссалар ва образлар туркуми вужудга келганлиги асосланган;

“Қиссас-ул анбиё”лар Шарқ донишмандлиги маҳсули сифатида моҳият эътибори билан умуминсоний маданият намунаси ҳисобланиши, уларнинг мумтоз шеърият образ ва тимсоллар олами манбаига айланганлиги очиб берилган;

ўзбек адабиётида нубувват қиссалари сюжети ва образлари талқинида хилма-хил жанрий шакллар истифодаси; нубувват тавҳиддан кейинги ва валоятдан олдинги бир мақом бўлиб, бадиий адабиёт поэтикаси учун илҳом манбаи бўлиб келганлиги аниқланган;

тасаввуф ва мумтоз адабиёт учун нубувват маърифати бадиий-эстетик тафаккур майдони эканлиги, ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқинига хос алоҳида адабий жанрлар шаклланганлиги асосланган;

ўзбек мумтоз шеъриятида нубувват тимсол-образлари кенг кўламли поэтик манзараларни ҳосил этганлиги ҳамда мумтоз бадиий матнларни янги таҳлил методлари асосида ёритиш орқали поэтик образ манбалари илмий таҳлилда муҳим эканлиги исботланган;

ўзбек адабиётшунослигида нубувват мотиви орқали кўплаб янгича тушунча ва деталлар пайдо бўлганлиги, уларнинг бадиий асар сюжет ва композициясига, адабий образлар олами ҳамда бадиий-эстетик қарашлар тизимига таъсири ёритилган;

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ўзбек мумтоз адабиёти ва умуман бадиий адабиёт оламини янгича йўналишда тадқиқ этишда, адабиётшуносликда ўзига хос йўналиш бўлган нубувват ва адабиёт масалаларига доир илмий тадқиқотлар олиб боришда, мумтоз наср ва шеърият поэтикасини теран идрок этишда мазкур тадқиқот муҳим амалий аҳамиятга эгадир.

тадқиқот натижалари ўзбек мумтоз адабиётининг бадиий-ирфоний характерини намоён этади, адабий-эстетик қарашларда эса ўзига хос талқинлар юзага келади. Тадқиқот таҳлил усуллари ва манбалари мумтоз

адабиёт ҳамда шеърият поэтикасига бағишланган илмий ишлар учун манба бўлиб хизмат қилади.

диссертация материаллари таълим тизимининг турли бўғинларига тегишли қўлланма, дарслик, илмий мақола ва монографиялар яратишда, “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Мумтоз адабиёт поэтикаси”, “Адабиётшунослик методологияси”, “Бадиий таҳлил асослари”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи” каби фанларни, махсус курслар ўқув дастурларини тайёрлашда, шунингдек, мумтоз ва замонавий шоирлар ижодига хос поэтик масалаларни ўрганишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, назарий маълумотлар илмий ва нашр этилган мумтоз адабиёт намуналаридан олингани, муаммонинг аниқ белгилангани, келтирилган таҳлиллар қиёсий-типологик, тарихий-қиёсий, матн таҳлили, герменевтика, семиотик, психоаналитик ва структурал таҳлил методлари воситасида асосланганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигининг янги илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги, миллий адабиёт тамойилларига асосланган ҳолда илмий-назарий хулосалар чиқарилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, тўпланган материаллар ва олинган натижалар “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Тасаввуф ва мумтоз поэтика”, “Навоийшунослик”, “Бадиий таҳлил асослари”, “Ўзбек адабий танқиди тарихи”, “Миллий уйғониш даври адабиёти”, “Адабий жанрлар ранг-баранглиги ва поэтикаси”, “Қиссачилик поэтикаси”, “Шарқ халқлари адабиёти тарихи” каби фанлардан илмий тадқиқотлар яратишда ҳамда “Мумтоз адабиёт тарихи”, “Ўзбек адабиётшунослиги” фанлари ва уларга тааллуқли соҳаларга оид монографиялар, ўқув қўлланмаларининг мукаммаллашувига хизмат қилади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти шундаки, ушбу диссертация натижалари асосида мумтоз адабиёт тарихи, адабиётшунослик назарияси тасаввуф адабиёти фанлари бўйича махсус курс ва семинарлар ўтишда, мумтоз поэтика соҳасида талабалар билим ва малакаларини оширишда, илмий мақолалар тайёрлашда унумли фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини масаласини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар:

ўзбек мумтоз адабиётида ислом манбалари асосида шаклланган нубувват мотиви ва образлари талқини тадқиқига доир материаллар 2003-2007 йилларда бажарилган ОТ-Ф7-5.1.17-рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳага тадбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 октябрдаги 8903/3168-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари нубувват мотиви ва ирфоний-бадиий талқин, нубувват баҳри, образ ва бадиий деталь, рамзий-мажозий талқин, Алишер Навоий шеъриятида нубувват аҳли образлари тавсифи каби масалаларини изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

Ўзбек мумтоз шеърлятида сермахсул ўрин тутган набий сиймолар, тарихий-афсонавий шахслар, адабий қахрамонлар бадий образлари бажарган поэтик функциялар, улар орқали ифодаланган рамзий-мажозий маънолар оламини идрок этишга оид назарий хулосалар 2008-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-027-рақамли “Кўлэзма манбаларнинг миллий, маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 23 августдаги 8903-3168-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг амалиётга тадбиқ этилиши нубувват аҳли образлари талқини масаласини тадқиқ қилишда илмий асос бўлиб хизмат қилган;

диссертацияда қўлланилган лексик бирликлар, поэтик номлар ифодаси, қадимги туркий сўзлардан фойдаланиш, Алишер Навоий шеърлятида тарихий, афсонавий ва адабий қахрамонлар образлари параллел тавсифида қўлланилган синтактик структуралар деривацион хусусиятларига доир материаллардан 2007-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил, 5 ноябрдаги 89-03-4294-сонли маълумотномаси). Диссертация илмий натижалари бадий тил хусусиятларини очиб бериш ва мумтоз матнлар таҳлиллари изоҳланишида асос бўлиб хизмат қилган;

тадқиқот юзасидан нашр этилган монография ва илмий мақолалардан профессор Д. Салохий яратган “Тасаввуф ва бадий ижод” ўқув қўлланмасининг “Тасаввуфнинг пайдо бўлиши, таълимот сифатида шаклланиши ва тарихий тараққиёти”, “Тасаввуф ва бадий ижод”, “Навоий шеърлятида маърифий тафаккур ифодаси”, “Тасаввуф таълимотининг умуминсоний аҳамияти ва замонамиздаги мавқеи” бўлимларини ёзишда ҳамда “Танланган тасаввуфий атамалар луғати”ни тузишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил, 5 ноябрдаги 89-03-4294-сонли маълумотномаси). Ушбу ўқув қўлланма талабаларга тасаввуф адабиётини чуқур ўрганишда зарур манба бўлиб хизмат қилмоқда;

Диссертация доирасида ёзилган ишлардаги илмий асосланган таклиф ва тавсиялардан Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот Маркази томонидан олиб борилаётган халқаро муносабатларда, хусусан, 2018 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси ва Ислон ҳамкорлик ташкилоти ўртасида имзоланган “Йўл харитаси”нинг 2-3 бандлари ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот Марказининг 2019 йил 5 ноябрь 02/432-сонли маълумотномаси). Бу бугунги глобаллашув даврида ёшларни миллий қадриятлар асосида баркамол авлод қилиб тарбиялашда бадий адабиётнинг аҳамияти катта эканлигини кўрсатади. Айниқса, дин ниқоби остида ёшлар онгини заҳарлаш, осойишталикка раҳна солиш, эркин-демократик тараққиётга асосланган ҳаётни чигаллаштириш каби қабих ҳаракатлар маънавий қашшоқлик оқибати эканлиги юзасидан хулосалар чиқаришга хизмат қилган;

Тадқиқот натижалари асосида яратилган “Нубувват ва валоят терминлари қисқача изоҳли луғати”да (ISBN 978-8943-8372-4-8) келтирилган нубувват, пайғамбар, набий, расул, қасас, ваҳий, шеър, шоирлик, нубувват хайли, нубувват нури, валоят, тажалли, ҳусн шоҳи, комил инсон, мўъжиза, профетология, малойика, тавҳид, нубувват гулшани, нубувват баҳри, нубувват қуёши, нубувват сипехри, нубувват осмони, рисолат гумбази, хайли русул, султони нубувват, нубувват силсиласи, меърожнома, наът, мадҳ, васф, мақом, ҳол, фано, бақо, ишқ, тафсир, таъвил, уруж, қурб, хатм сингари ҳали ўзбек адабиётшунослиги терминологиясидан муқим ўрин олмаган асосий тушунча ва бирликлар маъноси изоҳлаб берилган. Луғат адабиётшуносликда нубувват ва тасаввуф терминларини тўғри қўллаш ва изоҳлашни таъминлаш учун хизмат қилади;

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими қошидаги “Садоқат” ижодий тўғараги фаолиятида диссертация илмий натижаларидан фойдаланиб семинарлар ўтказилган, жумладан: ўзбек мумтоз адабиёти ғоявий-бадиий олами, унда диний-тасаввуфий мавзулар талқини масаласи, образ ва тимсоллар тасвиридаги рамзий-мажозий ифодалар, нубувват маърифати ва шеър шоирлик масаласи, нубувват мотиви ва образларини ифодалаган эпик ва лирик жанрлар поэтикаси сингари масалаларни ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2019 йил, 23 августдаги 01-03-07/916-сонли маълумотномаси). Натижада семинарлар илмий-оммабоплиги таъминлаган ва янги манбалар билан бойиган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация натижалари 30 дан ортиқ илмий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 15 та халқаро ва 15 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 60 та иш, шу жумладан, 2 та монография, 1 та луғат, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий натижаларини нашр этиш тавсия этилган нашрларда 20 та мақола, жумладан, 16 та республика ва 4 та хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, жами ҳажми 283 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий

қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Нубувват мақоми ва илмий-маърифий таъриф”** деб номланган. Биринчи фасл “Нубувват концепти ва унинг исломий талқини” деб юритилади. Бунда нубувват тушунчаси моҳияти, кўлами ва миқёси илмий тадқиқ қилинади. Нубувват мотиви ва образларининг бадий ижоддаги ифодаланиш асослари очиб берилади. Нубувват тушунчаси этимологик жиҳатдан қадимги иврит, араб тилларида изоҳланади. У “набъун” – хабар, “набва” (нубув) – юксалиш, “наби” – элчи маъноларини англатади. Жаҳон адабиётшунослигида унга синоним сифатида профетология атамаси қўлланади. Нубувват сингари профетология ҳам “пайғамбарлик таълимоти” маъносида ишлатилади. Айрим манбаларда нубувват билан боғлиқ жаҳоний динлар “профетологик динлар” деб юритилади. Ислом манбаларида 124 минг пайғамбар ўтганлиги қайд этилади. Бу халқа Муҳаммад (с.а.в) сиймоси билан хотималанади. Шарқ манба ва бадий ифодаларида тўртта: Забур, Таврот, Инжил, Қуръони Карим Ҳақдан индирилган илоҳий сўзлар ҳисобланади. Алишер Навоий уларни “самовий китоблар”, “асфори самовий”, “осмоний тўрт дафтар” деб номлайди. Шарқона қарашларга кўра, дин ва набийлик Қуръони Карим билан мантиқий хулоса, яқунга эришади. Қуръони Каримда нубувват 87 бора тилга олинади ва бу илоҳий Каломнинг тўртдан бир қисми пайғамбарлар қиссаларидан иборатлиги айтилади. Қуръонда “Оллоҳга, охират кунига, фаришталарига, китобларига, пайғамбарларига иймон” қайд этилади<sup>6</sup>. Шунга биноан ҳам ислом ва унга асосланган адабиёт умуминсоний маданият маҳсули сифатида тавсифланади. Қуръонда Муҳаммад билан биргаликда 25 пайғамбар номи қайд этилади. Маълумотларга кўра, Қуръонда Одам 25 марта, Идрис 2, Нух 43, Худ 25, Солиҳ 9, Иброҳим 69, Лут 27, Исҳоқ 17, Яъқуб 16, Юсуф 27, Аюб 4, Мусо 136, Хорун 136, Довуд 16, Сулаймон 17, Илёс 2, Юнус 4, Закариё 7, Исо 25, Яҳё 5, Муҳаммад алайҳиссалом 5 марта зикр этилади.

Шарқ манбаларида, “нубувват – тавҳид йўли”, “ислом – барча пайғамбарлар дини” сифатида талқин этилади<sup>7</sup>. Ўзбек адабиётида нубувват мадҳи тавсифида тавҳидга таянилади. Шу боис дастлаб тавҳид талқинига эътибор қаратилди. Ат-тавҳид – арабча “ваҳҳада” феълидан олинган бўлиб, “якка-ягона деб билмоқ”, “бир деб англамоқ” маъноларида қўлланилади. Тасаввуфда тавҳид инсоний ироданинг илоҳиётга қўшилиши, Ҳаққа фанолик (хулул ул-Ҳақ), Ҳақдан бошқа борлиқ йўқлиги мақоми тушунилади. Ибн Арабий тавҳид мушоҳадаси асосида ваҳдат ал-вужуд фалсафасига асос солади. Тавҳидга биноан, Аллоҳ абадий мавжуд, ибтидо ва интиҳосиз, яратилмаган, яратилганларга ўхшамайди, замон ва маконга боғлиқ эмас, осмонга чиқиш ҳам, ерга тушиш ҳам унга яқинлаштирмайди, У барча нарса ва ҳодисаларга яқин, инсонга жон томирлари қадардир (“Биз унга жон томиридан ҳам яқинроқмиз”, Қоф сураси). У ўзи яратади, кашф қилади,

<sup>6</sup>Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т.: Чўлпон, 1992. 21 б.

<sup>7</sup>Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир (Қуръони Каримда пайғамбарлар сиймоси). 1. 2 китоб. – Тошкент: “Мовароуннаҳр” 2005 йил

барча нарса-ходисаларни билади, “коронғуда кора тошда юрувчи қора чумоли”ни ҳам кўриб туради. “Агар сиз ошкора гапирсангиз ҳам (ва ёки хуфёна гапирсангиз ҳам У зотга баробардир). Зеро, У сирни ҳам, энг махфий нарсаларни ҳам билур” (Тоҳа сураси). Ҳеч бир ҳодиса иродасидан ташқарида содир бўлмайди, қарорлари ўзгармас, “билувчи, эшитувчи, кўрувчи”(Ҳаж сураси)дир. Унга эшитилмас овоз, кўринмас нарса йўқ. Қуръон, Таврот, Инжил, Забур – элчилари орқали юборган сўзлари ва борлиғи бунга далилдир. Нубувват тавҳид ҳақиқатларини намоён этади. У “хабар-ваҳий” маъносида ишлатилади. Ваҳий сўзи “инмоқ”, “тушмоқ” маъноларини билдиради. Қуръонда ваҳий кўринишлари ҳақида оятлар нозил этилган<sup>8</sup>. Уларда нубувват: 1. Ваҳий. 2. Парда ортидан. 3. Элчи-фаришта орқали келиши қайд этилади. Ваҳий – қалб ва руҳга индирилган “илҳом”. У “туш” шаклида ҳам намоён бўлади (Иброҳим, Юсуф, Муҳаммад қиссаси). Туш – арабча “руъё”дир. Шу боис “солиҳ туш нубувватнинг қирқ олти мақомидан бири”, “пайғамбар туши – ваҳий” (руъё ал-анбиё – ваҳй), – дейилади. Ваҳийнинг “парда ортидан” келиши кам рўй берадиган ҳодиса бўлиб, у “овоз” шаклида намоён бўлади. Бунга Мусога Тур тоғида юз берган ҳодиса ва Муҳаммад меърожи мисол бўла олади. “Элчи-фаришта” ваҳийси нубувват асосини ташкил қилади. Бунда пайғамбар Жаброил – Руҳ-ул кудс, Руҳ-ул Амин фаришта овозидан ёки уни кўриб нубувватга эришади. Шу ваҳий туфайли “набий” ва “расул” гуруҳлар эътироф этилади. Манбаларда бу нубувват уч хил тарзда намоён бўлиши айтилади: 1. Қўнғироқ жарангидек овозда. 2. Одам суратида. 3. Ўз самовий қиёфасида. Шу тариқа “осмоний китоблар” индирилганлиги қайд этилади. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонида Ҳақ Мусога “Таврот”, Довудга “Забур”, Исога “Инжил”ни нозил этгани, Муҳаммад(с.а.в)га эса ҳар бир сўзи мўъжиза бўлган “Калом” (Қуръон) юборилгани, “кутуби осмони”ларда Муҳаммад ҳақида хабар берилгани қайд этилади:

*Чу Мусога “Таврот” этиб Ҳақ баён,  
Санга ул баён ичра муъжиз аён.  
Бўлуб чунки Довуд қисми “Забур”,  
Сенинг муъжизинг анда айлаб зухур.  
Чу Исога “Инжил” нозил бўлуб,  
Ҳақ анда сифотингга қойил бўлуб.  
Каломеки сендин топиб интизом,  
Анинг лафз бар лафзи муъжизнизом.  
Нечаким кутуби осмони келиб,  
Борисинда сендин нишоне келиб<sup>9</sup>.*

Шунга кўра, нубувват таълимоти умуминсоний ва универсал мақом сифатида кўринади. У барча масалаларда адолат ва барқарорликни юзага чиқаради. Буни Каломи Шарифда дунё – охират, малойика – шайтон, ҳаёт – ўлим, яхшилик – ёмонлик, жаҳолат – маърифат кабилар тенг қўлланганлиги

<sup>8</sup>Қуръони Карим (Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур). – Т.: Чўлпон, 1992. 361 б.

<sup>9</sup> Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. Xamsa. Saddi Iskandariy. – Toshkent: G'. G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil, 19 - bet

ҳам асослайди. Қуръонда ҳар бир қавм учун бир пайғамбар юборилганлиги, ҳеч бир зот огоҳсиз жазоланмаслиги, пайғамбар танлаш Аллоҳнинг иродаси эканлиги ва пайғамбар шахсий эрк учун эр кишидан танланиши, пайғамбар оддий одамларга ўхшаб “озикланиши”, “бозорларда юриши”, “яшаши ва ўлим топиши” айтилади. Шу тариқа нубувват ислом таълимотида алоҳида мақом сифатида шаклланади ва мумтоз адабиёт поэтик оламида салмоқли ўрин эгаллайди.

Иккинчи фасл “Набийлик мақоми ва илоҳий мўъжиза синоати” деб номланади. Унда нубувват таърифи, мўъжиза талқини ва ижод масалаларига эътибор қаратилади. Маълумки, пайғамбарликда мўъжиза ҳодисаси муҳим ўрин тутди. Мумтоз шеърият “аҳли нубувват” образлари тавсифида рамз-мажоз ифодалари мўъжизалар бадиий талқинида кўринади. Мўъжиза (“ожиз қолдирмоқ”) пайғамбар сиймоларга нисбат берилади. Бу ҳақда Тоҳа, Моида, Худ сураларида оятлар нозил этилган. Уларда жумладан: Мусо “асо”си, Исо “нафаси”, Худ “туяси” каби мўъжизалар қайд этилади. Шунингдек, бошқа хил мўъжизалар: “Тўфондан омонлик” (Нух), “Оловдан сақланиш” (Иброҳим), “Фиръавн қаҳридан қутулиш” (Мусо), “Чормихдан озод бўлиш” (Исо) ҳам зикр этилади. Ислом ва мумтоз адабиётда мўъжиза талқинига бошқа ҳодисалар қатори тавҳид нуқтаи назаридан ёндашилади. Пайғамбар мўъжизалар учун восита, асл мўъжизакор Ўзи эканлиги илоҳий китобларда ҳам, бадиий-эстетик талқинларда ҳам қайд этилди. Қуръонда пайғамбарлар билан боғлиқ мўъжизалар таъкидланади. Муҳаммад пайғамбар мўъжизаси таърифи кўзга ташланмайди. Мушриклар Муҳаммаддан мўъжиза (“тоғларни жойидан жилдириш”, “ерни ёриб дарёлар пайдо қилиш”, “ўликларни тилга киритиш” ва б. Раъд сураси) кўрсатишни талаб этганларида “Ҳеч шак-шубҳа йўқки, мен ҳам худди сизлар каби бир одамдирман. Менга Тангрингиз ёлғиз Оллоҳнинг ўзи экани ваҳий қилинган (Фуссулат сураси)”, – деб жавоб беради. Унга мўъжизадан тонган Од ва Самуд қавми сингари қаҳрга учраган халқлар ибрат эди. Иккинчи томондан мўъжиза табиат қонунларини бузиш саналар эди. Холиқнинг буюк адолати – табиат ва жамият мувозанатидир. Шу боис Муҳаммад (с.а.в) шарафи ва умматлари шафоати учун мўъжиза сифатида Қуръон нозил этилади. Буни Алишер Навоий: *Буки каломуллоҳ ангадур насиб, Ким, йўқ анга мўъжиза андин гариб*, – деб таъриф этади<sup>10</sup>. Албатта, бадиий талқинларда Муҳаммад мўъжизакор сиймо сифатида тавсифланади. Хусусан, ўзбек мумтоз шеъриятида бундай талқинлар кўп учрайди. Бадиий ижодда нубувват мотиви ва образлари катта ўринга эга. Бироқ нубувват ва ижод, яъни “илоҳий ваҳий” ва “бадиий илҳом” орасида боғлиқлик бўлмайди. Ислом ва нубувват фалсафасида сўз санъатига муносабатда ўзига хослик кузатилади. Исломда шоирлик: жаҳолат ва маърифат руҳида иккига ажратилади. Шуаро сурасида “йўлдан оздирувчи”, “ўзига ёққанни мақтаб, ёқмагани бадном этувчи”, “шеърда ўзи амал қилмайдиган ҳодисаларни ёзувчи”лар жоҳил шоир, “Ҳақ йўлдан юрувчи”, “иймонда собит шоирлар” эса маърифат соҳиблари сифатида кўрсатилади.

<sup>10</sup> Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. 6-жилд. Наводир уш-шабоб. – Тошкент, 34-бет



Жоҳил ижод вакиллари Шайтон ва инс-жинслардан илҳом оладиган, маърифатли шоирлар раҳмоний-илоҳий ҳислардан руҳланган ҳолда асар яратадиганларга нисбат берилади. Бундан кўринадики, мумтоз ижод намуналари нубувватдан руҳ олиб яратилади. Шу боисдан мумтоз адабиёт вакиллари “Басмалло”, ҳамд, наът, меърож, васф, мадҳ сингари жанрий шаклларни шарқона бадий тафаккур асоси сифатида асар бошида келтиради. Бу бадий ифодалар руҳоний покланиш ва тазарру ҳамдир. Ислом туфайли дин ва нубувват қай даражада мукамал ҳодиса мақомига кўтарилган бўлса, ундан илҳомланган адабиёт ҳам шундай юксакликка кўтарилиб келмоқда. Шарқда буюк сўз санъати усталари шеърятни бадий-эстетик тафаккур фазосига айлантирди. Нубувват асос бадий туйғулар янгиланди, ижод илоҳий руҳ касб этди. Шарқ, жумладан, ўзбек адабиётининг буюк ижодкорлари шу руҳда дурдона асарлар яратдилар. Бу ҳодиса нубувват мотиви мумтоз адабиётнинг башарий ва руҳоний тараққиётида муҳим ўрин тутганлигини кўрсатади.

Бобнинг (“Малаклар олами ва набийлик маърифати”) учинчи фаслида малаклар олами бадий талқинига эътибор қаратилди. Манбаларда фаришталар ифодаси ҳақида махсус тадқиқот яратилган<sup>11</sup>. “Малойика” – арабча “малак”, форсча “фаришта” аталиб, “хабар берувчи”, “элчи” маъносини ифодалайди. Бу томондан пайғамбар сўзига синоним бўлса-да, вазифа жихатидан фарқланади. Фаришта Ҳақ хабарини пайғамбарга етказса, пайғамбар халққа етказди. Муқаддас манбаларда фаришта ва инсонлар даражалари ҳам қайд этилади: 1. Фаришталарга Одамга сажда қилиш буюрилган. 2. Одамга фаришталарга қараганда кўпроқ илм берилган. 3. Каломда олдин фаришта кейин пайғамбарлар келтирилган. 4. Фаришта – обид, инсон – олим. 5. Малак – самовий, инсон – заминий ва бошқалар. Тасаввуфда оламлар ҳақида гап кетганда Ҳақдан бошқа барчаси олам, “Олам ул-Малакут” эса хосларга басират ила илғанадиган алоҳида олам эканлиги қайд этилади. Ушбу фаслда бу ўзига хос илоҳий олам ҳақида фикр юритилди. Ишда оламини бошқарган фаришталар, Ҳорут ва Морут қиссаси, Азозил ҳикояти таҳлил этилади. Манбаларда Жаброил, Макоил, Исрофил, Азроил фаришталар кўпроқ кузатилади. Айниқса, нубувват мавзусида Жаброил фаришта тез-тез тилга олинади. Самовий китоблар асосан Жаброил орқали нозил бўлганлиги айтилади. У Алишер Навоий шеърятини рангин рамз-тимсол вазифаларини бажаради. Хусусан, бадий вазифа жихатидан “субҳ”, “кабутар”, “парвона”, “Ҳудхуд” образларига монанд талқин этилади.

*Сўзунг номабар қуш йизар, айлагандек,  
Наби нуктасин Жабраили амин жам<sup>12</sup>.*

Бу ўринда “номабар”даги “нома” ва “бар” сўзлари “қуш” аниқловчиси сифатида “хат” ва “ташимок” маъносини ифодалайди. Малаклар кўпинча қушлар тимсолида тасаввур этилади. Шунда ҳам яшиндан тез, чакмоқдан

<sup>11</sup>Налич, Татьяна Сергеевна. Ангелология и демонология ислама: ангелы, джинны, шайтаны в арабо-мусульманской литературе. Авт. док. дисс. по филол. наук. – Москва: 2002. – С. 49

<sup>12</sup>Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. Xazoyin ul-ma'oniyy. Badoye' ul-vasat. – Toshkent: G'. G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil, 295 - bet

илдам, ирода этилиши биланоқ ҳар он ва жойда ҳозир бўла олиши қайд этилади. Байтда “Жаброили амин набий теран маъноли сўзларини жам этгани сингари сенинг сўзингни хат ташувчи каптар йиғади”, – мазмунида фикр билдирилади. “Наби нуктаси”да бирор калима Ҳақ ҳукмидан холи бўлмайди. У Жаброили амин томонидан Расулларга келтирилади. Талқинларга кўра, ваҳийга эга бўлмаган дин ва диний қарашлар ботил ҳисобланади. “Бадоеъ ул-васат”даги байтда Жаброилнинг Ҳақ теҒрасидан набийларга пайғом келтириш учун вакиллиги парвонанинг шам атрофида айланиши ҳолатига нисбатан мажоз вазифасини бажаради. Байтда “агар ғам тунида кишига висол хабарини қоронғулик шамъи мисол етказса, сен уни парвона дема, Жаброил деб атагин”, – деган фикр ифодаланади. Бу поэтик манзарада “тун” талқини тасвир табиийлиги билан бадиий мантиқни таъминлайди. Шам қоронғу кечада ёқилади, парвона унга тунда айланади. Ваҳдат бадиий ифодаси ва васл тамсили меърож тунда содир бўлади. Ғам ҳам шодликка нисбатан акс тасвир бўлиб, моҳиятдан қоронғулик ва ёруғликни англади.

*Дема парвона, де Жибрил, агар бир ғам туни ногаҳ,  
Кишига берса бир шамъи шабистон васли пайғомини<sup>13</sup>.*

Хуллас, фаслда Ҳақ ва пайғамбарни боғловчи элчилар ҳақида мулоҳаза юритилиб, унинг нубувват илмига асослиги очиб берилади ва бадиий-эстетик талқинлари таҳлил этилади.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Нубувват мотиви ва жанрий ранг-баранглик**” деб номланиб, биринчи фаслда “Нубувват хайли: жанрий ифода ва мазмуний талқин” масаласи ёритилади. Фасл мавзу ёритилган жанрий шакллар тадқиқига бағишланади. Бунда бевосита жанрий шакллар ифодасига: “Қисас-ул анбиё”, меърожнома, мадҳ, васф, наът, “Тарихи анбиё...”лар, наът-маснавий, ривоят-маснавий, ҳикоят, тамсил ва бошқа тур асарлар киради. Бавосита жанрларга: тарихий, мемуар, биографик асарлар, дostonлар, лирик жанрлар, ғазал, қасида, қитъа, маснавий, соқийнома ва ҳақозо жанрлар мавзуга дахлдор қисмлари киради. Шарқ адабиётида нубувват мотиви учун салмоқдор ҳодиса “Қисас-ул анбиё” туркуми ҳисобланади. Унинг араб, форс ва туркий тилларда туркум галлерияси яратилган. Шарқ адабиётида бундай тарихий-бадиий қиссалар хосу авомга бирдай хизмат этганлиги билан ажралиб туради. Ишда “Қисас ар-Рабғузий”га бадиий қисса, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”га тарихий асар сифатида қаралади. “Қисас ар-Рабғузий” ўз ичига хилма-хил жанр-шаклларини қамраб олган. У ҳамду сано, наът, мадҳ, муножот, меърожнома, иқтибос, маснавий, ҳикоя, қисса, ҳикоят, ҳикмат, ривоят, латифа, ишорат, савол-жавоб, нукта, фойда, шеър, байт, башорат, ғазал, масала, воқеа, танбиҳ, насихат, сўз, баён, сифат, фазилат, хабар каби жанрий шакллардан ташкил топган. Улар эпик ва лирик характерда бўлиб, ҳар бири ўзига хос бадиий структурага эгаллиги билан ажралиб туради. Асарда жанрий шакллар ифодасига кўра насрий-назмий турларга ажралади. Насрий турга: қисса, ҳикоят, ривоят, латифа, нукта, фойда, башорат, савол-жавоб, мунозара,

<sup>13</sup> Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. Xazoyin ul-maoniy. Badoye' ul-vasat. – Toshkent: G'. G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil, 655 - bet

ҳикмат кабилар кирса, шеърий турга эса ғазал, байт, шеър, маснавий, мадх сингарилар киради. Қисса, меърожнома, воқеалар ҳажм жиҳатидан кўламдор, бошқа шакллар эса асосан ўртача, баъзилари кичик шаклларга эгадир. Бу жанрий шакллар маълум қисми туркий-ўзбек адабиёти учун илк жанрлар тажрибаси бўлса, иккинчидан, бу шакл-жанрлар шаклланишида нубувват мотиви асосий роль ўйнаган, учинчидан, тарихий-бадий қиссачилик, мумтоз шеърият ва тасаввуф адабиёти образлар олами, поэтик ва ирфоний луғати бойишида хизмат қилган. Ушбу фаслда бу жанрий шакллар мавзу ифодаси сифатида таҳлил этилади. Бу жанрлар адабиётшуносликда алоҳида тадқиқ этилмаганлиги, адабий тур ва жанрлар типига ажратилмаганлиги боис уларнинг табиатига ойдинлик киритилди. Фаслда нубувват мотивини ифодалаган ҳикоят, бадий қисса, меърож, мадх, наът, васф каби асарлар таҳлил қилинди. Нубувват мотиви ва образлари лирик асарларда ўзига хос талқин этилади. Лирик девонларда тавҳид ва нубувват мотивини ифода этган жанр-шакллар алоҳида туркум сифатида келтирилади. Масалан, Алишер Навоий “Ҳазойин ул-маоний” девонида “жами 43 наът ғазали жой олган. 1. “Ғаройиб ус-сиғар”да 11 та наът ғазал, 6 та васф, 5 тасида меърож талқини берилган. 2. “Наводир уш-шабоб”да 7 та наът ғазал 3 таси васф, 4 тасида меърож қаламга олинади. 3. “Бадоеъ ул-васат”да 9 та наът ғазалдан 6 та васф, 3 таси меърож мавзуйига бағишланган. 4. “Ғавойид ул-кибар”да 7 та наът ғазалдан 4 та васф, 3 тасида меърож тасвирланган<sup>14</sup>. Фаслда нубувват мотиви, хусусан, Муҳаммад пайғамбар образини ифода этган “сир”га мурожаат этилди. Бу ғоявий-бадий хусусиятлари, аҳамияти, ўзбек адабиётида тутган ўрни, унда яратилган асарлар ёритилди. Мумтоз адабиётда “нур”, “уруж”, “қурб”, “хатм” талқинлари сир ифодаси сифатида мумтоз адабиёт, жумладан, шеърият учун бир илҳом манбаи эканлиги уқтирилди. Бу масалалар талқини комиллик, руҳоний бедорлик масалаларини ифодалашда муҳим аҳамият касб этишига эътибор қаратилди.

Хуллас, нубувват мотиви бадий талқинлар учун адабиётнинг абадиятга дахлдор мавзуларидан ҳисобланиб, хос жанр ва адабий шаклларда ифодаланганлиги мавзунинг адабиётшуносликда теран илмий асосларга эгаллигини билдиради.

Бобнинг иккинчи фасли (“Юсуфнома” мавзуси: жанр ва мазмун ифодалари”) нубувват мотивининг жаҳон ва ўзбек адабиётида самарали мавзуларидан бўлган “аҳзан-ул-қисас” талқинига бағишланади. Жаҳон адабиётида бу қисса адабий турларнинг барча жанрларида ўз ифодасини топган. Қисса бадий ижод оламида нубувват мотиви бадий ижроси сифатида бугунги даврларгача ҳам шакл-жанр, ҳам бадий-эстетик, ҳам руҳан давом этиб келаётган ҳодисаларидан саналади. Фаслда қисса турдош асарлар, хусусан, “Хамса” дostonлари билан ҳам қиёсий таҳлил этилади. Ўзбек адабиётига жаҳон фольклори, мифологияси, диний мотивларидан кириб келган сюжетлар кўп учрайди. Шу сингари нубувват мотиви бўлган “Юсуфнома” мавзуси кўлам жиҳатдан ҳам, бадиият нуқтаи назаридан ҳам,

<sup>14</sup>Ғаффорова З. Навоий наът ғазаллари ўзига хос жиҳатлари// Ўзбек тили ва адабиёти. 2010 йил, № 4, - Б. 45

ранг-баранг жанрий ифодалари билан ҳам барча давр ва халқлар бадиий тафаккурига уйғун бир башарий ходиса саналади. Фирдавсий, Ибн Сино, Жомий, Алишер Навоий, Қул Али, Шайод Ҳамза, Рабғузий, Рембрант, Дурбек, Ҳамдий, Томас Манн каби дунё адабиёти ва санъати буюк намоёндалари турфа жанрларда бу сюжетнинг ажойиб намуналарини яратган бўлсалар, Гёте, Толстой сингари мутафаккирлар бу мавзуда асар битишни орзу қилганлар. Мавзу ифода доираси кенглиги ёки инсон ва ҳаётнинг доимий масалалари ўз аксини топганлиги унга мурожаат этиш амалиётининг таборо кучайишига олиб келган, турли даврларда содир бўлган воқеалар - “Юсуфнома”лар вужудга келишини табиий эҳтиёжга айлантирган. Шарқ адабиётида “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” сингари анъанавий ишқий дostonлар воқелик сўнггида қаҳрамонлар мажозан айрилиқлари тасвири китобхонга тушқин бир ҳолат тақдим этади. Гарчи бу қаҳрамонлар тақдирида жудолик талқини фано ифодаси бўлиб, бақо йўлидаги восита сифатида тасвир этилган бўлса-да, илк таассурот махзун кайфият уйғотади. “Юсуфнома”да ишқу муҳаббат тасвири ҳам, ижтимоий-ахлоқий масалалар талқини ҳам, инсоний муносабатлар ифодаси ҳам ўзгача акс эттирилади. Уларда гўзалликнинг романтик талқини, илоҳий ишқ масалалари, сабру матонат мавзуси, адолат, меҳр-муҳаббат туйғулари ва умуман ботиний таважжуҳ қаламга олинади. “Юсуфнома”да ифодаланган адабий шакл-жанрлар ҳам ниҳоятда хилма-хилдир. Шарқу Фарб адабиётида салмоқли эпик жанрлар: дostonчилик, қиссачилик, роман ва драматик жанрларда мавзу ёритилган. Бадиий адабиётда мавзуни тасвирий санъатнинг буюк намунаси “Мона Лиза” асарига қиёслаш мумкин. “Мона Лиза” қандай кайфиятда томоша қилинса, шундай руҳият бағишлаганидек “Юсуфнома”да ҳам бани башар дардлари турфа рангларда ифода этилади. Фаслда Юсуф образининг лирик жанрларда ўзига хос талқинига ҳам эътибор берилди. Умуман олганда мавзу юзасидан бир талай ишлар амалга оширилган<sup>15</sup>. Қуръонда бир юз ўн бир оятдан иборат “Юсуф” сураси шу қиссага бағишланади. Бадиий адабиётда ишқий саргузашт воқелигини акс эттириб, моҳиятда долзарб ижтимоий масалаларни талқин этиш қонунияти ҳам “Юсуф ва Зулайҳо”дан ибтидо олгандек таассурот уйғотади. Юсуф образи шеърятда асосан ғазал жанрида кўринади. Унда “гўзаллик тимсоли”, “арзимас дирҳамга сотилиши”, “кўйлак”, “Миср Азизи”, “қудуққа ташланиши”, “Яъқубнинг кўзи ожиз бўлиб қолиши”, “Зулайҳонинг Юсуфга муҳаббати”, “туш тасвири ва таъбир”, “зиндонга ташланиши” каби воқеликлар мажозий ва бадиий-ирфоний фикрларни вужудга келтиради.

Хуллас, “Юсуф қиссаси” бадиий адабиёт учун ўлмас мавзу бўлиб, у ҳақда қанча мулоҳаза юритилса, шунча қирралари намоён бўлаверади. Мавзу

<sup>15</sup> Азорабеков Сардорбек Кишкорович. Сказание о Юсуфе и его отражение в персидско-таджикской прозе X-XI веков. Авт. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2005. – 26 с., Мохаммад Хеммат Кухсар. Трансформация образа Зулайхи и его отражение в персидско-таджикской литературе X-XV вв. Канд. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2015. – 190 с., Сафарова Ҳ. А. Рабғузийнинг “Қиссаси Юсуф Сиддик алайҳиссалом” асари манбалари ва гоъвий-бадиий таҳлили. Фил. фан. ном. дисс. – Самарқанд: 2001. – 153 б., Элбоев Вафо Джуракулович. Сказание о Юсуфе и Зулайхе в персидско-таджикской литературе X-XV веков (проблемы трансформации религиозных мотивов и образов в художественную литературу). Авт. док. дисс. по фил. наук. – Душанбе: 2016. – 46 с.

талқинида эпик ва лирик жанрлар ўзига хос олам яратади. Эпик тасвирда воқелик акс этган бўлса, лирик талқинда воқеа, образ, детал рамзийлигига эътибор қаратилади. Бу анъана бошқа пайғамбар сиймолар образ-тимсоллари талқинига ҳам дахлдордир.

Диссертация учинчи боби “**Тасаввуф адабиёти: нубувват ва ирфоний талқин**” деб номланган. Биринчи фасл “Нубувват маърифати: ифода ва талқин масаласи” деб юритилади. Тасаввуф адабиёти барҳаёт мавзу ва умумбашарий ҳодисаларни талқин этганлиги билан бадий-ирфоний тафаккурда юқор мақом касб этади. Шу каби “нубувват хайли” масаласи ҳам ирфоний талқиннинг оламшумул ҳодисаси ҳисобланади. У тасаввуфда илоҳий ҳис ва туйғулар талқинини ифодалайди. Бу мумтоз ва тасаввуф адабиётида анъанавий тавсифланадиган етти қават осмон ва етти қават замин ифодаларида яққолроқ кўзга ташланади. Бунда само поклик, замин қатлари эса манфурликка рамз сифатида талқин этилади, инсон эса икки қутб марказини ташкил этади ва руҳ билан самовий, нафс билан заминий моҳиятга эга бўлади. Бу каби талқинларда нубувват концепти самовий-руҳоний мазмун англатади. Бу борада профетология масаласини филологик тадқиқ этган олима А. Р. Гимаева хизматлари алоҳида эътирофга лойиқ<sup>16</sup>. У илмий тажрибада “нубувват халқаси” атамасини ишлатади. Бироқ тушунча бадий талқинда тилга олинганлиги эътироф этилмайди. Жумладан, Алишер Навоий ишлатган “нубувват халқаси”, “нубувват хайли”, “нубувват гулшани”, “нубувват баҳри”, “нубувват сипеҳри”, “нубувват силсиласи” сингари бирикмалар ҳам шу халқа маъносини англатади. Фаслда бу ифодалар бадий-ирфоний талқини таҳлил этилди. Мисол учун “Бадойиъ ул-бидоя” девонида Муҳаммад “нубувват хатми”, “муҳри” эканлиги ҳақида фикр юритилиб, айнан “нубувват хайли” бирикмасига урғу берилади.

*Эй, нубувват хайлига хотам баний Одам аро,*

*Гар алар хотам, сен ул отким, эрур хотам аро*<sup>17</sup>.

Хуллас, бадий адабиётда нубувват моҳиятан “халқа”, “силсила”, “хайл” маъносини англатади. Уни тадқиқ этиш халқлар, маданият ва адабиётларора ўзаро боғлиқликларни ўрганишга имкон яратади.

Бобнинг иккинчи фасли “Тасаввуф адабиёти: нубувват ва мажоз ифодаси” деб номланади. Тадқиқотларда тасаввуф моҳиятидан вужудга келиш асослари хилма-хил таърифланади. Айримлар тасаввуф лексикасидан унинг пайдо бўлишини исломдан олдинги даврларга боғлайди. Баъзилар шариатга асосланганлиги учун ислом туфайли шаклланганлигига эътибор қаратади. Моҳиятан эса Қуръон ҳақиқатларига таянади. Унгача бўлган диний-фалсафий қарашлар тавҳид асосида талқин этилади. Калом аҳллари фикрича, Қуръон ёпиқ хазинадир. Шу хазинани англашда шарҳга эҳтиёж сезилади. Шу туфайли шарҳнинг икки тури ривожланади: 1. Тафсир. Унда самовий китоб зоҳиран шарҳланади. Шу билан бирга тафсир, ҳадис ва қасаслар Шарқда наср намуналари ва юксак босқичи ҳисобланади. Шарқ

<sup>16</sup>Гимаева, Аделя Равилевна. Профетология Корана: истории пророков как элемент построения коранического текста. Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Москва: 2008. – 24 с.

<sup>17</sup>Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1 том. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: “Фан”, 1987, 33 - бет

классик шеърляти сингари буюк бир ходиса вужудга келишида бу анъана муҳим ўрин тутди. Тафсир – арабча “ал-Фаср” сўзидан олинган бўлиб “изоҳламоқ”, “шарҳламоқ” маъноларини ифодалайди. У чуқур илм, тажриба ва захмат талаб этади. Унга эришиш учун баъзилар 15, баъзилар 30 дан ортик илмлар соҳиби бўлиш зарурлигини айтади. 2. Таъвил. Бунда Куръоннинг ботиний шарҳи назарда тутилади. У арабча “аввал”, “ўзак” маъноларини билдиради. Мумтоз адабиётда тафсир зоҳир-мажоз ифодаларини юзага келтирган бўлса, таъвил ботин-ҳақиқат маъноларини ифодалайди. Тасаввуф адабиёти ўрганилиши билан бадий-эстетикада илмий-назарий қарашлар янги пағонага кўтарилди. Бунинг натижаси ўлароқ адабий тафаккур руҳоний мақом ва даража касб эта бошлади. Тасаввуфда барча масалалар башарий миқёс, пок ва озод руҳ ифодалайди. Бу таълимот учун нубувват маърифат ва ибрат одоби вазифасини ўтайди. Унда Ҳақ ҳақиқатларига эришувигача бўлган мақомларда нубувватга таянилади. Тасаввуфнинг мақом, ҳол, фано, бақо, ишқ, ваҳдат, тажалли сингари масалалари нубувват маърифатисиз юзага чиқмайди. Бу мақомларни мажозан ифодалашда тамсил сифатида нубувват аҳлига мурожаат этилади. Чунончи, инсоният тарихида оммавий ҳалокатлар (тўфон, шамол, олов каби) нубувват индирилгач барҳам топганлиги айтилса-да, бироқ жаҳолат давом этиши қайд этилади. Унинг акси ўлароқ маърифат улуғланади. Шу боис тасаввуф адабиётида Муҳаммад (с.а.в) маърифат ва орифлик тимсоли сифатида намоён бўлади. Ирфон талқинига биноан яралмиш оламда Ҳақ маърифатига аҳли нубувватдан бошқа яқин бир мақом эътироф этилмайди. Бу Алишер Навоийнинг қуйидаги мисраларида ҳам ўз исботини топади.

*Чу қурб Қофига еттинг, етишмади Жибрил,  
Не навъ Худҳуд Симурғ ила бўлди йўлдош<sup>18</sup>.*

Унда қурб ҳоли Қоф тоғига қиёсан олинган. Қурб – Муҳаммад алайҳиссаломнинг Аллоҳга яқинлиги назарда тутилади. Ҳазрат Расулуллоҳ бу мақомга кўтарилганда Аллоҳга энг яқин фаришта Жаброил ҳам ортда қолади. Биринчи мисрада ана шу ҳолга ишора этилган, иккинчи мисрада бу ҳолнинг бадий-мажозий ифодаси сифатида Худҳуд ва Симурғга мурожаат этилган. Тасаввуфда Ҳақ жамолига интилишда тўғри йўл нубувват мақоми деб қаралади. Тасаввуф намоёндалари Одамдан бошланган ишқни Муҳаммад сиймосида камол топганлиги ва васл содир бўлганлигини эътиқод билан таъриф этадилар.

Хуллас, тасаввуф руҳ камоли ва нафс тарбияси экан, унинг талқинлари учун нубувват маърифати бир хазинадир. Тасаввуф адабиётида Одам, Нух, Иброҳим, Юсуф, Мусо, Сулаймон, Исо сингари сиймолар руҳоний сайрга тимсол бўлса, Азозил, Нух қавми, Худ ва Солиҳ қавми, Намруд, Фиръавн, Қорун, Жолут, Абу Жаҳл кабилар нафс даражаларига тимсол бўлиб келади. Шу билан бирга пайғамбар сиймолар ҳоли тасаввуф адабиётида ранг-баранг мажозий ифодаларни юзага келтиради.

<sup>18</sup> Alisher Navoiy. To'la asarlar to'plami. Navodir ush-shabob. – Toshkent: G'. G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil, 247 - bet

Ушбу боб (“Нубувват халқаси ва “нур қадимияти” талқини) учинчи фасли тасаввуф ва мумтоз адабиёт илҳоми бўлган “нубувват нури” талқинига бағишланади. Тасаввуф ўзига хос лексика ва ифодага эга бўлиб, у бадий тилга катта таъсир кўрсатган. Бадий тил ташқи сатҳдан ички сатҳга ўтиши ирфоний талқин туфайли юз беради. Унда сўзга миқдор эмас, маъно жиҳатидан қаралади. Шу боис тасаввуф адабиётида сўз бойлигидан ифода бойлиги кўпроқдир. Ҳар бир образ, тимсол, мажоз, рамз ўзида чуқур ҳаётий маънолар мужассам этади. Шу тариқа таъвил руҳият ва ишоратга асосланган поэтик тилни шакллантиради. Тасаввуфда ҳақиқатлар бирлиги уч зинага асосланади. Биринчи зина Лоҳуд олами бўлиб, унда абадий Мутлоқият – Аллоҳ деб қаралади. Иккинчи зина – Жабарут олами бўлиб, бунда Бирлик борлиғи назарда тутилади. Шундан кейин оламлар пайдо бўлган. Учунчи зина – Комил инсон. У барча зиналар ибтидо ва интиҳосидир. Адабиётшунос И. Ҳаққулов “нубувват нури” комил инсон олами эканлигини қайд этади<sup>19</sup>. Шу боисдан ушбу фаслда айна мавзу талқинига эътибор қаратилди. Талқинларга кўра, Муҳаммад сиймоси “ҳақиқат” ва “мажоз” сифатида қаралади. Бунда “ҳақиқат” Ҳақнинг борликларни яратишга ишқи ортган маънавий “нур” аксидир. У нубувватни сийрат ва сурат тарзда тавсифлайди. У бўлакнинг бутуни ёки бутуннинг бўлагига менгзалади. Бунда “сурат” қисм бўлса, нубувват бутунлик, нубувват бўлак (жуз) бўлса, “сийрат” бутунлик(кул)дир //“*Анбиё сархайли султони русул, Ким эрур онинг туфайли жузв кул*”//. Алишер Навоий талқинидан кўринадики, тасаввуф ва мумтоз шеърятда муҳиб-ҳабиб ифодалари нубувватга асосланади. Шоир таърифича, “*Ул ҳазратнинг нури қадимиятидаким зот баҳрининг аввалги жунбушида ул дурри бебаҳо ламъаси хафо риштасин узди ва ул гавҳари якто ашиъаси ламъа кўргузди ва дурждин дуржга интиқол этти то Сафиюллоҳдин Абдуллоҳга этти*”<sup>20</sup>. Фаслда мавзу талқини “Қасас ар-Рабғузий”, “Ҳайрат ул-аброр”, “Лисон ут-тайр” каби асарлар мисолида очиб берилади. Унда нубувват “нур”дан “сурат”гача бир мақом бўлиб, ирфоний талқинларда ишқ, ошиқликни англатади. Навоий ғазалларидан бирида бевосита мана шу масала талқин этилади<sup>21</sup>. Унда фано мақомидаги ошиқ холи баён этилган бўлиб, фикр руҳ ва нафси англашга қаратилади. Ғазалда мисралар ўзаро зиддиятли тасвирга асосланади. Руҳ – Ҳақдан берилган нур, раҳмоний сифат. Нафс – зулмат, шайтоний хирс. Руҳ – Калимуллоҳ (Мусо), нафс – Фиръавн йўли. Руҳ – Ҳабибуллоҳ (Муҳаммад) маърифати, нафс – Бужаҳл (Абуҷаҳл) жаҳолати. Лирик қаҳрамон Ҳақ маърифатидан руҳ олиб, нафс иллатларидан фориг бўлишда сабрли, комиллик йўлида, фано тариқидаги ошиқдир.

Хуллас, И. Ҳаққул таъкидлаганидек, “ҳақиқий адабиёт вужуднинг эмас, балки руҳнинг маҳсулидир”. Руҳда эса ёниқ ва маҳзунли онлар бўлади.

<sup>19</sup> Ҳаққул, Иброҳим. Тақдир ва тафаккур. – Т.: “Шарк”, 2007, 48-бет

<sup>20</sup> Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Hayrat ul-abror. – Toshkent: G‘. G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil, 26 - bet

<sup>21</sup> Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. G‘aroyib us-sig‘ar. – Toshkent: G‘. G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil, 24 - bet

Санъатнинг вазифаси руҳиятнинг ёруғ дамларини уйғотишдир. Шу маънода нубувват “борликнинг жони, сўз санъатининг руҳи билан тенглашади”.

Диссертация тўртинчи боби “**Нубувват мотиви: бадий образ ва лирик талқин**” деб юритилади. Биринчи фаслда (“Атойи лирикаси ва аҳли нубувват тимсоллари тавсифи”) нубувват образлари талқини Атойи шеърятти мисолида таҳлил этилди. Атойи шеърый ифодада юксак санъаткорлик ва маҳорат намоён этган ижодкордир. Бу, айниқса, нубувват аҳли образлари талқинида яққол кўринади. Унда Юсуф 30, Масих 20, Сулаймон 7, Хизр 16, Нух 6, Яъқуб 5, Мусо 4, Аюб 3 бора бадий тимсол сифатида тавсифланади. Атойи талқинича, Муҳаммад Мустафо нубувват тимсолидир. Нубувват унинг “нур” ва “сурат” тарзидаги борлиғидандир. Бу ҳолат шоир лирикасида “кулф ва калит” рамзида талқин этилади:

*Нубувват бобининг қулфу калиди,  
Санга топшурди охир дамда Фаттоҳ<sup>22</sup>.*

Бу ўринда “Фаттоҳ” “фатҳ этувчи”да эмас, балки “тугунларни ечувчи” мазмунида ифода этилган. Бу бадий рамз “кулфни очувчи ва ёпувчи калит” вазифасини бажарган. Бунда “кулф” – нубувват рамзи, калит – Ҳазрати Мустафо тимсолидир. Байтда назарда тутилган талқин Муҳаммадга “нубувват боби”га “кулфу калитлик” мартабаси Фаттоҳ томонидан топширилганлигига ишора этмоқда. Шоир талқинича, Мустафо нубувватни очувчи ва ёпувчи “мажоз калити” бўлса, Фаттоҳ барча бандлар, хусусан, нубувватни ҳам очувчи ва ёпувчи “ҳақиқат калити”дир. Шеърда Муҳаммад сиймоси “санга” олмошида акс этган. Айтилганидек, “нур” маърифати бутун борлиқ, жумладан, нубувватнинг ҳам асоси ҳисобланади. Набийлик шакли эса Ҳазрати Одам билан бошланади. Унинг набийлиги одамийзод шарафи ва мукаррамлиги, “комил халифалиги” белгисидир. Атойича, Шайтоннинг одамга сажда қилмасдан мардудга учраганлиги Одам ҳуснида ўша “жамол ва камол нури”ни кўрганлигидандир.

*Жамолинг нурини Одам ҳуснида кўруб Шайтон,  
Чу сажда қилмади, бўлди ҳамиша Тенгри мардуди<sup>23</sup>.*

Шарқона қарашларга кўра, Шайтон тарихи одамзод кечмишидан ҳам узоқ, мутаассил ибодати туфайли етти қават ердан еттинчи қават осмонгача кўтарилган, биринчи обид, зоҳид, ориф, вали, азиз саналган. Бироқ Лавҳаль-Маҳфузда унинг қисматиға мардудлик ёзилган эди. Талқинда у такаббурлик, Ҳақ иродасига бўйсунмаслик, баъзисида яратиларға душманлик деб қаралади. Баъзан эса синов сифатида баҳоланади. Атойи ўз навбатида бу масалани ўзига хос бадий кашфиёт билан талқин этади. Унга кўра, Шайтон Одам ҳуснида жамол нурини пайқайди. Аслида бу нур одамийзодга Ҳақнинг муҳаббатини билдирар эди. Зеро, шарқона қарашларда оламу одам Ҳақнинг шу “нур”га муҳаббатидан бино этилганлиги дарж этилади. Шу севимлилик боис фаришталар унга сажда қиладилар. Шайтон ўзини бу севимлиликдан

<sup>22</sup>Девони Шайхзода Атойи. – Тошкент: “Фан”нашриёти, 2008. – Б 319

<sup>23</sup>Девони Шайхзода Атойи. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2008. – Б 219



айро ҳис этади. Одамга сажда келтирмайди, мардудга айланади. Атойи талқинида, шайтоний манманликка нисбатан инсоний хокисорлик улуғланади, одамнинг тийнати Жаброил келтирган камтарлик лойи билан қоришиб кетади. Ўзбек мумтоз шеърлятида нубувват тимсоллари тавсиф этилганда ўзаро мувозийлик вақт нуқтаи назаридан эмас, балки бадиият жиҳатдан талқинни юзага келтиради. Шундан Хизр умри, Сулаймон мулки, Нуҳ умри, Сомирий сеҳри, Масиҳ эъжози, Юсуф ҳусни сингарилар биргаликда тавсифланади. Атойи шеърлятида аҳли нубувват тимсоллари талқини билан боғлиқ бетакрор бадиий топилмалар, ташбиҳу қиёслар, рамзий тасвир ва мажозий ифодалар кўп учрайди. Масалан, бир байтда “қаро зулф” матн семиотикасини ифодалайди. Байтни сиртдан таҳлил этсак, “сенинг зулфинг қаролиги куффорлик намоён этиб, энгингни Мустафо нури, холингни Билол айлади”, – фикрини уқишимиз мумкин.

*Қаро зулфунг саводидин румузи куфр этиб зоҳир,*

*Энгингни Мустафо нури, менгингни ҳам Билол айлар<sup>24</sup>.*

Шеърнинг ички маъно сатҳида тазод санъати бўлиб, унда зулф бир йўла куфр ва имон зоҳир этмоқда. Зулф талқинда идрокдан ташқарида бўлган ғайб оламини англатади. У тасаввуфда бир жиҳатдан куфр зулумотиға, бир томондан тажалли нуриға рамз бўлиб келади. Биринчидан, мумтоз ижод соҳиблари бўйича, “Мустафо нури” нубувват инъоми сифатида талқин этилади. Иккинчидан, “менг” ва Билол дилбар кашф сирасига киради. Қора хол ва Билол туркий шеърлятда Атойи томонидан биринчилардан бўлиб ташбиҳ этилган. Нақлга кўра, “Жаннат ҳурлари охир замонгача ўзларига оро берадилар. Бу зеб охиратға келиб ниҳоясига этади, лекин ҳурлар зийнатида холда камчилик қолади. Шу замон Билол қоралиги жаннат ҳурларға нуқта-нуқта қилиб бўлиб берилар экан. Шу билан жаннат ҳурлари гўзаллиги камолға етар экан”<sup>25</sup>. Бу ҳолат, шоир талқинича, “нур” ўз асли Мустафода намоён бўлиб, нубувватнинг камолға этишидир.

Хуллас, Атойи шеърлятида нубувват мотиви ва образлари талқини шоир шеърляти жозибаторлигини илғаш нуқтаи назаридан эмас, балки мумтоз бадиий тафаккур сарҳадларини борича ҳис этиши билан муҳимдир.

Бобнинг (“Нубувват баҳри: образ, бадиий деталь, рамзийлик”) иккинчи фаслида нубувват образлари ва улар билан боғлиқ бадиий деталлар рамз-мажозига эътибор қаратилади. Қадимдан бадиий адабиёт, ва айниқса, шеър поэтик оламида рамз-мажоз алоҳида аҳамият касб этади. Бу масалалар аҳли нубувват образлари тавсифида яққол намоён бўлади. Масалан, мумтоз шеърлятда “маъшуқа” – Мутлоқ Зот зуҳури, “жамол” ёки “юз” – илоҳиёт тажаллиси, “кўз” – Расулulloҳ, “лаб” – Масиҳ, “хат” – Хизр, “хол” – Билол тимсоллари билан ёндаш келиб, мумтоз шеър бадиий оламида рамз маъноси ва мажоз ифодасини вужудға келтиради. Бу ўринда “кўз” – набий, яъни комил инсонға, қаролиги эса комиллик мукамаллигига рамз вазифасини

<sup>24</sup>Девони Шайхзода Атойи. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2008. – 36 б.

<sup>25</sup>Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. 2 – китоб. – Тошкент: Ёзувчи, 1991. – 272 б.

бажаради. “Кўз” ва пайғамбар орасида ўхшашлик “нури қадим”, “кўзнинг қаролиғи” эса анбиёликка хос басират”ни англатади. “Лаб” – жонбахшлик, “лаъли лаб” – жонбахш этувчиларга жонбахшловчига нисбатан мажоз вазифасини ўтайди. Бу ўринда “лаб” – комиллик даражасига, “лаъли лаб” – комил мукамаллик рамзига нисбатан турдош тимсол бўлади. “Хол” талқинида ҳам “қора хол” тарзидаги тавсиф мавжуд. Лекин бунда рамз ғайб оламига қаратилади. Яъни, “хол” – ғайб олами бўлса, “қора хол” – ғайб олами нозиклигига ишора этади. Тасаввуф шеъриятида узвлар мажозий ифодасига кенг ўрин берилади. Бунда “Аллоҳ одамни ўз образи ва моҳиятида яратди”, – қудсий ҳадисига таянади. Шундан сўфий шоирлар соч, лаб, юз, зулф, кўз, хол, хат сингари рамзий тимсолларни ажратиб олади. Шеърда нубувват тимсоллари етакчи рамзий маънода, детал ёки тушунчалар эса талқинлар семиотикасини бойитувчи вазифани бажаради. Мисол сифатида “тўфон”, “узоқ умр”, “кема” (Нух), “кўйлак”, “идиш”, “туш”, “қудуқ” (Юсуф), “байзо”, “асо” (Мусо), “узук”, “шамол”, “тахт” (Сулаймон), “хуффош”, “игна”, “нафас”ни (Масих) кўрсатиш мумкин. Масалан, нубувват тарихида Нух алоҳида давр бўлиб, у туфайли янги ҳаёт бошлангани боис “иккинчи Одам”, нубувват юқини узоқ олиб юрганлиги учун “Шайх ул-анбиё” номлари билан юритилади. Мумтоз шеъриятда Нух образи асосан “тўфон”, “умр”, “кема” тушунчалари билан вариантдош рамз ҳисобланади.

*Йўқки май кишитиси ғам тўфонидин айлар халос,  
Ки топар андин киши бир қатра ичса умри Нух<sup>26</sup>.*

Бунда Нух ясаган кема – ишқ ёки ваҳдат “маيي кемаси”, тўфон – ҳижрон, “ғами довули”, бир қултум май тоти - “Нух умри”га рамз этилган. Яъни, “Нух тошқин офатидан кемаси туфайли омонлик топганидек, ошиқни ғам тўфонидан ишқ майи юкланган кема саклайди, ундан бир қатра ичса Нух умрига эришади”.

Хуллас, ушбу фаслда нубувват образлари орқали ифодаланган ранг-баранг бадий детал ва тушунчалар илмий таъриф этилади. Ўзбек адабиётида нубувват мадҳи билан боғлиқ поэтик тушунча ва деталлар мумтоз шеърият бадийятини теран маъно ва чуқур мазмунга эга бўлган рамзий тимсоллар билан бойишига хизмат этган.

Ишнинг бешинчи боби **“Нубувват силсиласи ва мажозий-рамзий ифодалар”** деб юритилади. Биринчи фаслда “Алишер Навоий шеъриятида нубувват аҳли тавсифи”га эътибор қаратилади. Шарқ, жумладан, ўзбек шеъриятида Алишер Навоийдан олдин ҳам, кейин ҳам набийлар образи “кўп ва хўп” тавсиф этилган эмас. Алишер Навоий “Бадойиъ ул-бидоя” девонида 13 та, “Наводир ун-ниҳоя” девонида 9 та, “Ғаройиб ус-сиғар” девонида 12 та, “Наводир уш-шабоб” девонида 11 та, “Бадоеъ ул-васат” девонида 9 та, “Фавойид ул-кибар” девонида 8 та пайғамбарлар образи тилга олинади. Бундай ифодалар шоирнинг ҳар бир лирик девонида турлича тақсимланади.

<sup>26</sup>Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 2 том. Наводир ун-ниҳоя. – Тошкент: “Фан”, 1987, 245 бет

Шарқ мумтоз адабиёти намоёндалари Саной, Аттор, Балхий шеърятти поэтик номлари ҳақида тадқиқот олиб борган олима Сафина Абдуллоева жами 500 дан ортиқроқ пайғамбар номларига мурожаат этилганлигини айтади<sup>27</sup>. Алишер Навоий шеъряттида эса Масих, Хизр образларининг ўзи 500 дан ортади. Бу рақамга мазмун-моҳият жиҳатдан қаралса, салмоқ янада ошади. Шунини ҳисобга олган ҳолда фаслда масала тасниф асосида тадқиқ этилади. Адабиётшуносликда “бир образ – бир сюжет” фикри образлар талқинида теран намоён бўлади. Алишер Навоий пайғамбарлар образлари воситасида шеърятда ранг-баранг поэтик манзаралар яратади, ғоявий-фалсафий, бадий-эстетик ва руҳоний ифодалар кашф этади. Масалан, Одам – башарият отаси, фаришталар сажда этган зот, жаннатдан ажралиб тавба-тазарру қилган, азиз саналган сиймо сифатида тавсифланади. Бир ўринда Одам жаннатдан қувилганда тўккан кўз ёши ер юзидаги сув миқдори билан тенг дейилган мифологик талқинларга хос фикр юритади:

*Навоиё, агар иккинчи Одам эрмасмен,  
Недин жаҳон юзини тутти сар-басар ёшим*<sup>28</sup>.

Шундай тамсилий-рамзий ифодалар Сулаймон образида ҳам намоён бўлади. Шоир фикрича, “қанча узок бўлса-да, Нух умри ҳам ўткинчи, қанча мўл бўлса-да, Сулаймон мулки ҳам абадий эмас”. Бунда “май” – илоҳий ишқ тажаллисига мажоз. Шунга кўра лирик қаҳрамон дунё ғами, Нух умри, Сулаймон мулкидан ҳам “май”ни афзал кўради.

*Нух умрию Сулаймон мулкига йўқтур бақо,  
Ич, Навоий, бодаким, олам ғами беҳудадур*<sup>29</sup>.

Жумладан, Хизр умуман бадий адабиётнинг маҳсулдор образларидан саналади. Тасаввуф адабиётида Хизр рамзий маънода нубувват ва валоят (икки дарё қўшилган жойда яшаши) туташган сиймо сифатида талқин этилади. Алишер Навоий уни “хат”, “чашмаи ҳайвон”, “оби ҳаёт”, “Хизр суйи”, “оби ҳайвон”, “ҳайвон суйи”, “Жоми Жам”, “Хизру Масих”, “ҳаёти жовидоний”, “лаб”, “Хизрваш”, “зулоли Хизр”, “умри жовидон”, “тер”, “дудоғ”, “баҳор”, “туш” сингари бадий-ирфоний тушунчалар билан бирга қўллади. Бадий адабиётда Одам, Нух, Сулаймон, Хизр, Масих образлари ҳақида алоҳида тадқиқотлар мавжуд<sup>30</sup>. Шоир ижодида Муҳаммад сиймоси бадий талқини асосий ўрин тутди. Айримлар шоир Расулulloҳ ҳақида алоҳида асар яратмаганлигини қайд этадилар. Шунини айтиш керакки, Алишер Навоий ижодининг асосини Муҳаммад (с.а.в) маърифати ташкил этади.

<sup>27</sup> Абдуллоева С. Ю. Онамастикон суфийской поэзии: структурный, семантический и функциональный аспекты (на материале произведений Абдильмаджа Санаи, Фаридаддина Атгара и Джалаладдина Балхи). док. дисс. по филол. наук. – Хорог: 2016. – 234 с.

<sup>28</sup> Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. Badoe ul-vasat. – Toshkent: G‘. G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil, 431 - bet

<sup>29</sup> Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 1 том. Бадойиё ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. 192 - б.

<sup>30</sup> Назриев Д. Библиейско-кораническая история царя Соломона и ее преломление в персидско-таджикской литературе. Авт. док. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 1996. – 48 с., Марзие Шуштари Мохаммад Эмаил. Сказание о Нухе (Ное) в литературе и фольклоре Ирана. Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2012. – 28 с. Нурмонов Ф. Хизр образи генезиси ва унинг ўзбек фольклоридаги талқини. Фил. фан. ном. дисс. авт. – Тошкент: 2007. – 25 б. Саде Хезархани. Сотворение человека в таджикско-персидской поэзии X-XI веков (поэзия Фирдоуси, Насира Хусрава и Санаи). Авт. канд. дисс. по филол. наук. – Душанбе: 2012. – 25 с.

Иккинчидан, Муҳаммад алайҳиссалом бадий сиймоси барча ифодалари билан шоирнинг бутун ижодида тўлиқ акс этган.

Хуллас, нубувват аҳли тимсоллари мумтоз шеър бадиияти учун ҳам, гоёси учун ҳам бениҳоя кўламдордир. Айниқса, Алишер Навоий ижодида ўзининг барча қирралари билан алоҳида ажралиб туради.

Бобнинг иккинчи фасли “Алишер Навоий лирикасида “покдамон зуафо”лар” деб номланади. Фаслда шоир шеърлятида нубувват мотиви билан боғлиқ аёллар образи ифода этилган рамзий-мажозий маънолар очиб берилади. Алишер Навоий асарларида хотин-қизларга эҳтиром туйғулари барқ уриб туради. Шоир ижодида тарихий, афсонавий, мифологик, адабий ва реалистик аёллар таърифланади. Шоир ифбатли аёллар ҳақида гапириб “покдоман зуафоким этакларидин йурунни эранлар сажжодаси меҳробига тироз қилса сазодур ва ул меҳробда намоз қилса раводур”, - дейди<sup>31</sup>. Мумтоз адабиётда тасвир этилган “покдоман зуафо”лардан бир гуруҳини набийлар тарихи билан боғлиқ аёллар ташкил этади. Хусусан, Ҳавво, Зулайҳо, Билқис пари, Сора, Осиё, Марям, Фотима, Хадича, Ойша кабилар ўзгача бир руҳда таъриф этилади. Бунда Ҳавво Одам қиссасида биринчи аёл ва гўзаллик тимсоли, Зулайҳо Юсуф қиссасида асосий образлардан бири, Билқис Сулаймон қиссасида, Сора Иброҳим қиссасида, Осиё Мусо қиссасида, Марям Масиҳ тарихида, Фотима, Хадича, Ойша Муҳаммад қиссаларида келтирилади. Алишер Навоий бу образлар орқали аёл сиймосининг меҳр-муҳаббат, вафо ва садоқат тимсоли эканлигини кўрсатиб беради. Бу талқин Алишер Навоий ижодининг гуманистик моҳиятини ҳам намоён этади.

Бобнинг учинчи фасли “Алишер Навоий шеърлятида образлар мувозий талқини” тадқиқига бағишланади. Алишер Навоий шеърлятида пайғамбар сиймолар (Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Юсуф, Исо), адабий қаҳрамонлар (Фарҳод, Мажнун, Вомиқ, Лайли, Ширин, Узро), тарихий шахслар (Баҳром, Искандар, Жамшид), мифологик-афсонавий образлар мувозий тасвирини эътироф этиш мумкин. Улар шеърлятда лирик қаҳрамон табиати билан уйғун равишда талқин этилади. Бу образлар бадий ва тарихий-ҳаётий ҳақиқат масалаларида қандай даража касб этишига қараб, лирик қаҳрамон руҳияти ва кайфиятига мослашади. Масалан, шеърда ошиқ ҳолати тасвир этилганда Мажнун, Вомиқ, Фарҳод образлари тамсил бўлиб келади. Ҳижрон масалаларида Яъқуб ва Юсуф, Вомиқ ва Узро образлари талқинига эҳтиёж сезилади, “кўз” жодулиги – Мусо ва Сомирий сеҳри, “лаб” жонбахшлиги – анфоси Масиҳ, “хат” жозибадорлиги – Хизр, “ишқ” – тириклик чашмаси, “ҳусн” – Юсуф, “ҳусн мулки” – Сулаймон, “ишқ нағмаси” – Довуд ва бошқа ҳолатлар поэтик қиёслар тасвири учун хизмат этади. Бу бадий образлар шоир шеърлятида ўзаро мувозий қўлланади ва ўзига хос бадий-эстетик манзара ҳосил қилади. Бир ўринда “нури муҳаммадия” биринчи борлиқ эканлиги ва борлиқ унга бўлган муҳаббат туфайли пайдо бўлганлиги ҳақида шарқона қарашлардан Одам Муҳаммадга ҳам ўғил, ҳам ота сифатида талқин

<sup>31</sup>Алишер Навоий. Бадоеъ ул-васат. – Тошкент: Фан, 1987, 685 бет

этилади. Бироқ талқинларда бу сиймолар биргаликда тавсифланишида ўзига хос ҳаётий мантиқ ҳам бор. Маълумки, нубувват тарихида Одам ва Муҳаммад бутун башарият учун танланганлиги зикр этилади. Алишер Навоий талқинича, Одам – Абулбашар. Шундай ҳолатда Муҳаммад Мустафо ҳам барча инсоният учун юборилган деб талқин этилади. Бунда унинг дин ва нубувват камоли ва хотимаси эканлигини асослайди. Ёхуд:

*Лаъли бир сўз бирла юз йиллик ўлукни Хизр этар,  
Гўйиё Рухуллоҳ ушбу оби ҳайвон ичрадур*<sup>32</sup>.

Бунда “лаб бир сўз билан юз йиллик мурдага Хизр умрини бахш этади, бу тириклик сувида Масиҳи Рухуллоҳ намоён бўлгандек тасаввур уйғотади”. Бу ўринда “оби ҳайвон” вазифа жихатдан Масиҳ нафасига ўхшашлиги бор. Бундай жонбахшлик манбаи “лаб”. Бу ўринда образлар мувозийлигида мантиқ жонбахшлик маъносида туташади ва маъшуқа “лаби” мўъжизасига нисбат берилади. Шоир шеърлятида Сулаймон ва Искандар “мулк”и сингари “умр” тушунчаси талқинида Нух ва Хизр тимсоллари параллел келади. Навоий шеърлятида “умр” тушунчаси Нух тимсолида тасвирланганда узок муддатли бўлса-да, маълум чегарага эгалиги назарда тутилади, Хизр образи орқали ифодаланганда эса боқийлиги ҳисобга олинади. Бироқ бунда ҳам ҳаётнинг ҳар қандай ҳою-ҳаваслари ўткинчилиги қайд этилади.

Хуллас, Алишер Навоий шеърлятида образлар мувозий тасвирланганда улар тавсифи билан боғлиқ рангин талқинлар лирик туйғуларга тамсил этилади ҳамда образга дахлдор лавҳа ва деталлар талқинига эътибор қаратилади. Бунда мувозий образларда ҳам, тимсол ва шеър руҳиятида ҳам мантиқий боғлиқлик, бадий-эстетик мувозанат таъминланади.

## ХУЛОСА

Бугунги ижтимоий ҳаётда содир бўлаётган халқаро муаммолар ислом ифода этган муқаддас қадриятлар, эзгу ва инсонпарвар туйғулар амалига эҳтиёж туймоқда. Шу нуқтаи назардан ўзбек мумтоз адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини ислом маданиятининг умуминсоний қарашлари бадий ифодаси сифатида долзарб аҳамият касб этади. Нубувват мотиви ва образлари бадий талқинида ўзбек адабиётининг оламшумуллик моҳияти ва поэтик жозибадорлиги яққол намоён бўлади.

Ўзбек мумтоз адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини масаласи алоҳида адабий ҳодиса сифатида кўринади. Нубувват маърифати Шарқ-ислом дунёсининг жаҳон маданиятига қўшган юксак ҳиссаси ҳисобланади. Қуръони Карим илоҳий сўзлар хотимаси ва мантиқий якуни сифатида нубувват таълимотини ҳам тугал маърифатга айлантирди. У туфайли бадий ижодда қарашлар ҳам, талқинлар ҳам ўзгача руҳ касб этди.

Нубувват динни ва аксинча дин нубувватни вужудга келтиради. Бу ҳодиса бадий ижод учун илҳом чашмаси ҳисобланади. Узок асрлик ўзбек

<sup>32</sup> Alisher Navoiy. To‘la asarlar to‘plami. G‘aroyib us-sig‘ar. – Toshkent: G‘. G‘ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2012 yil, 186 - bet

адабиётининг мумтозлиги, беназирлиги нубувват мотиви талқинида теран намоён бўлади. Ислом нубувват таълимоти туфайли дин ва пайғамбарлик мақомида ҳам, ботил ва ҳақиқий қарашларда ҳам, расул ва набийлик даражаларида ҳам, илоҳий мўъжиза ва инсоний сеҳр-жодуларда ҳам, жаҳолат ва маърифатда ҳам айролик касб этди. Бу эса бадиий ижодда комил инсоний туйғулар ифодаси ва тарбиясига кенг имкон яратиб берди.

Ислом нуқтаи назарига кўра, нубувват тавҳид ижрочиси сифатида талқин этилади. У илоҳий сўзлар ваҳийси ҳамда пайғамбар сиймолар ҳолини англатади. У моҳиятан қалб ва идрок, руҳ ва туйғу камолоти тимсоли деб қаралади. Нубувват Қуръонда энг кўп қўлланилган сўзлар қаторида туради, илоҳий Каломнинг тўртдан бир қисмини ташкил этади. Қуръон асосида пайғамбарлар тарихи зикр этилади, ҳамма ояти карималар Аллоҳ элчисига нозил этилган. Улар ўзбек мумтоз адабиёти поэтикасида катта ўрин тутди.

Нубувват бадиий талқинларда оламга файз таратувчи “тонг шамоли” (субҳ), борликни уйғотувчи “жон”, инсонга моҳият киритувчи “руҳ”, шам нуридан хабар берувчи “парвона”, Билқисдан хабар келтирувчи Худхуд, элдан элга хушxabар ташувчи “кабутар”, жонбахш “лаб” образларида тавсиф этилади. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ифодаси, жанрий шакллар ва уларнинг мазмун-мундарижаси билан боғлиқ бўлган масалалар атрофлича ўрганилади. Бу мотив ифодаси хилма-хил адабий жанрлар сифатида шаклланган. Унда ўткинчи бир ҳислар эмас, балки бани башарнинг мангу дардлари, ишқ, васл, ҳажр, имон поклиги, қалб ва руҳ ҳарорати кабилар ўзига хос талқин этилди.

Шарқ-ислом оламида нубувват ва шеър шоирлик масаласи ўзига хос талқин этилди. Бунда набаъвий ваҳий билан шеърий илҳом мутлақо фаркланиб ўрганилди. Нубувват мотиви ўзбек адабиётининг илоҳий-исломий мавзулар ифодаси эканлиги кўрсатилди. Мумтоз адабиётда нубувват мотиви бадиий ифодаси сифатида “Басмалло”, ҳамду наът, васф, мадҳ, меърож, муножаат кабилар асар ибтидосини ташкил этган. Бу эса илоҳий ҳис-туйғулар ўзбек адабиёти учун илҳом манбаи бўлиб келганлигини кўрсатади.

Мумтоз ва тасаввуф шеъриятида “юз”, “лаб”, “хат”, “кўз”, “хол”, “занахдон”, “қош”, “соч”, “зулф” сингари маъшуқа узвлари, “май”, “соқий”, “жом”, “бода”, “майхона”, “синган сапол”, “харобат”, “муғбача” каби хуммор образлари кенг тасвир этилади. Бунда маҳбуба гўзаллигини англатувчи ифодалар илоҳиёт мажозини англатса, хуммор ифодалар ишқ шавқи билан боғланади. Бу тасвирларда нубувват образлари узвлар ифодасига тамсил-ташбих этилади. Кўринадики, мумтоз бадиий-эстетикада маъшуқа бирламчи маънода Ҳақни ифодаласа, узвлар унинг элчилари тимсолларига қиёсланади.

Ўзбек адабиётида нубувват маърифати асрлар давомида маънавий бедорлик ифодаси сифатида хизмат этиб келмоқда. Нубувват мотиви ва образлари талқини айни масалалар бадиий ифодасида асосий ўрин тутди. Манбаларда оммавий офатлар самовий китоблар индирилиши билан барҳам топганлиги, аммо жаҳолат ва ғафлат инсоният тарихида давом этиши дарж

этилади. Мумтоз ва тасаввуф адабиётида Муҳаммад (с.а.в) сиймоси маърифат тимсоли сифатида талқин этилади. Бу ҳолат мумтоз адабиёт намуналари барча даврларда руҳоний уйғоқлик ифодаси бўлиб келганлигини кўрсатади.

Ўзбек мумтоз шеъриятида пайғамбар сиймолар энг кўп мурожаат этиладиган образ-тимсоллардан ҳисобланади. Мумтоз шеърият поэтик оламини тарихий-афсонавий шахслар тарихидан кўра анбиёлар тарихи ўзига кўпроқ жалб этган. Бу ўзбек мумтоз адабиётида нубувват маърифати мустаҳкам ўрин олганлигини кўрсатади. Пайғамбар сиймолар ҳаёти мумтоз шеърий кечинма ва лирик ифодалар учун ўзига хос илҳом манбаи саналади. Шеъриятда нубувват мотиви ва образларининг бадий-фалсафий ва адабий-эстетик фикрлар ифодалаш уфқлари ниҳоятда кенг. Пайғамбар сиймолар, тарихий-афсонавий шоҳлар, адабий қаҳрамонлар образлари тасвири ўзбек шеърияти мумтозлигини таъмин этган.

